

МАХАТМА ГАНДИ ҚАРАШЛАРИДА АХЛОҚИЙ КАТЕГОРИЯЛАР

Пўлатов Шердор Нематжонович

Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси в.б. доценти

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

Тошкент давлат шарқшунослик университети

АННОТАЦИЯ

Махатма Ганди дунёқарашидаги ахлоқий масалалар нафақат қадимги ҳинд фалсафий таълимотлари, балки миллий зиёли, мулкдор ва аҳоли юқори қатлам вакиллари ижтимоий фикрининг ривожланиши, дунёқараши ва фаолиятининг ижтимоий-сиёсий йўналиши билан ҳам изоҳланади. Шунингдек, Ганди ахлоқни, миллий озодлик ҳаракати тамойилларини мафкуравий ва ахлоқий асослаш билан бир қаторда, гуманистик гояларини одамлар маънавий табиатининг бирлиги, инсоннинг қадр-қимматини кўтариши, мустамлакачилик ва ижтимоий тенгсизликка барҳам бериши, инсонга жисмоний ва маънавий зарар келтириши, йўқ қилиши воситаси сифатида қўллаган. Ганди дунёқарашида ахлоқнинг энг муҳим мақсади, бир томондан, муайян жамоат мақсадларига, биринчи навбатда, Сваражга (Ватан озодлиги) эришиши учун курашда оммани бирлаштириши воситаси бўлиб хизмат қилиши, иккинчи томондан, бу курашда шахсий манфаатлар эмас, балки халқ манфаатини ҳимоя қилишдир. Дарҳақиқат, гандичилик ахлоқи ҳар қандай ижтимоий шарт-шароитларга ҳам асосланади.

Калит сўзлар: *Ҳиндистон, Махатма Ганди, ҳинд фалсафаси, инсон, инсонпарварлик, ахлоқ, севги, ҳақиқат, жасорат, аҳимса, куч ишлатмаслик, свараж.*

MORAL CATEGORIES IN THE VIEWS OF MAHATMA GANDHI

Pulatov Sherdor Nematjonovich

Department of Eastern Philosophy and Culture,

associate professor Ph.D

Tashkent State University of Oriental Studies

ABSTRACT

The ethical problems of Mahatma Gandhi's worldview are explained not only by ancient Indian philosophical teachings, but also by the development of social thought, worldview and socio-political orientation of the activities of the national intelligentsia, property owners and representatives of the upper class of the population. Also, along with the ideological and moral justification of ethics and the

principles of the national liberation movement, Gandhi used humanistic ideas as a means of unifying the spiritual nature of people, increasing human dignity, ending colonialism and social inequality. infliction and destruction of physical and spiritual harm to a person. In Gandhi's worldview, the most important purpose of morality is, on the one hand, to serve as a means of uniting the masses in the struggle to achieve certain social goals, primarily swaraj (freedom of the Motherland), and on the other hand, to protect the interests of the people in this struggle, and not personal interests. Indeed, Gandhian morality is based on any social conditions.

Key words: *India, Mahatma Gandhi, Indian philosophy, man, humanism, morality, love, truth, bravery, ahimsa, non-violence, swaraj.*

КИРИШ

Маҳатма Ганди фалсафасининг муҳим жиҳатларидан бири аҳоқий тушунчаларнинг онтологик ва эпистемологик назариялар билан чамбарчас боғлиқлиги билан аҳамиятлидир. Буни ҳинд фалсафасининг кўплаб тадқиқотчилари ҳам таъкидлаганлар. С. Радҳакришнан баъзи Ғарб олимлари даъволарининг номувофиқлигини, “ҳинд фалсафий тафаккурида ахлоқий фалсафа деярли йўқ”, деган даъволарига жавобан ҳинд фалсафасида ахлоқ категорияси воқелик категориясидан кейин энг муҳим ўринни эгаллайди, “ахлоқий камолот илоҳий билимга биринчи қадамдир”¹, деб ҳисоблайди. Т.М.П Маҳадеван “Евроцентрик қарашларни рад этиб, ҳинд фалсафаси фақат борлик масаласига эътибор қаратадиган ва ахлоқий масалага эътибор бермайдиган дунёқараш”², деган фикрларни инкор этади.

Маҳадеваннинг фикрига кўра, биринчидан, ҳинд ахлоқшунослиги миллий фалсафанинг энг муҳим ва ажралмас қисмидир; иккинчидан, ахлоқий тамойиллар воқеликни англаш, маънавий такомиллаштириш жараёни билан узвий боғлиқлигини англашимиз мумкин. “Интизомсиз одам метафизик тадқиқот мақсадига эриша олмаслигини”³ таъкидлайди у.

Маҳадеваннинг фикрича, дунёқарашда ахлоқнинг роли ва аҳамияти йўқолмайди: ҳинд руҳий анъаналарига кўра, у сиёсий ғояларни шакллантиришда ҳал қилувчи тамойил бўлиб хизмат қилади. У бунинг энг ёрқин намунасини гандичилик ижтимоий-сиёсий таълимотларининг ахлоқий ва фалсафий асосларида кўради. Севги ва куч ишлатмаслик, ҳақиқат ва

¹ С. Радҳакришнан, *Индийская философия*, т. I, М.: Издательство иностранной литературы, 1955. – С. 38.

² Т. М. Р. Mahadevan, *Indian Traditional Values; their Universal Appeal*, Bulletin of the Ramakrishna mission Institute of Culture, vol. XIII, Calcutta, May 1962. – P. 166.

³ Т. М. Р. Mahadevan, *Indian Traditional Values; their Universal Appeal*, Bulletin of the Ramakrishna mission Institute of Culture, vol. XIII, Calcutta, May 1962. – P. 166.

жасоратнинг диний-фалсафий ва ахлоқий тамойилларини, Гандининг инсоният маънавий хазинасига қўшган энг катта ҳиссаси, деб ҳисоблайди⁴.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маҳатма Ганди Веданта, ҳиндувийлик, буддавийлик, жайнизм каби диний-фалсафий тизимлардаги фалсафий қарашларни, қадимий ҳинд фалсафаси таълимотларини чуқур ўрганганлиги, миллий урф-одатларга амал қилганлиги унинг “ахлоқ” тушунчаси учун дастлабки асос бўлиб, ғоявий асоснинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Ганди ахлоқий назарияси, диний анъаналар ва фалсафий ғояларга асосланган таълимоти ижтимоий-сиёсий ғояларини омма онгига етказиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Ушбу ҳолат бошқа омиллар қатори Ҳиндистонда гандичилик ғоялари кенг тарқалишини таъминлади. Неру шундай ёзади: “Диний тушунчалардан фойдаланган ҳолда, Ганди сиёсат ва кундалик ҳаёт муаммоларига ахлоқий ёндашиш кераклигини таъкидлайди. Ганди қарашларининг диний томони унга мойил бўлганларга, ахлоқий таълимоти эса кенг халқ оммасига таъсир қилган”⁵.

Инсон қалбини қозониш – ахлоқий ўзини такомиллаштириш, ахлоқнинг ўзгариши. Хатти-ҳаракатларнинг муайян стандартини ишлаб чиқишда, маълум ахлоқий идеални амалга оширишда Ганди шахснинг ҳам ахлоқий характерини, ҳам ижтимоий муносабатларнинг бутун мажмуасини ўзгартиришнинг ягона ҳақиқий усулини кўрди. Ҳирен Мукҳержининг таъкидлашича: “У қалбларни ўзгартиришда ахлоққа буткул ишонган. Лекин ахлоқий эътиқод ҳақиқий ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш учун етарлича кучли восита эмаслигини билмас эди.”⁶

Гандичиликнинг ижтимоий доктриналари – “сарводая” (умумий фаровонлик жамиятини куриш ғояси) доктринаси, “камбағалларга ғамхўрлик” тушунчаси ва бошқалар ахлоқни ижтимоий муносабатларни қайта куриш учун асос сифатида тан олишга қаратилган. Шу билан бирга, у мутлақ ҳақиқатни “кўриш”, илоҳий моҳиятни англашнинг ҳал қилувчи шарти сифатида эълон қилинган ахлоқий ҳаётга эришиш йўлларини очиб берадиган ва гандичиликнинг фалсафий тушунчалари билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ахлоқ Ганди дунёқарашида муҳим ўрин эгаллайди.

Маҳатма Гандининг диний-фалсафий, ахлоқий-маънавий, ижтимоий-сиёсий доктриналари бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, ғоявий ва назарий дунёқарашининг асосий қисмини ташкил этади. Гандининг барча мақолалари, нутқ ва суҳбатларида Худо ҳақида, ҳақиқат, севги, куч

⁴ Т, М. Р. Mahadevan, Indian Traditional Values; their Universal Appeal, Bulletin of the Ramakrishna mission Institute of Culture, vol. XIII, Calcutta, May 1962. – P.167.

⁵ Неру Дж. Открытие Индии. – М.: Изд.ИЛ, 1955. – С. 486.

⁶ Камаров Э.Н., Литман А.Д. Мироззрение Мохандас Карамчанд Ганди. – М.: Наука, 1969. – С. 129.

ишлатмаслик, миллий озодлик, кўркмаслик, миллий бошқарув, хотиржамлик ва ҳоказолар ҳақида сўз боради. Ҳиндистонда унинг таъсири ва ғоялари кенг тарқалиши ҳам шу билан боғланиб кетган. Диний-фалсафий ва ахлоқий тушунчалар Ганди дунёқарашининг бош ва ажралмас қисмини ташкил қилади. Бундан ташқари, унга бағишланган кўплаб асарларда унинг таълимоти “гандичилик (гандизм) фалсафаси”, деб номланди.

Гандининг фалсафий-ахлоқий концепциясининг энг муҳим категорияси сифатида севги олиниб, бу категория “аҳимса”нинг ниҳоятда аҳамиятли хусусияти ва унинг амалда ҳал қиладиган илҳомлантирувчи усулига айланади. “Севги” ва “рахмдиллик”, Ганди фикрича, барча инсоний муносабатларнинг пойдевори бўлиши керак, “нафрат” ҳаётдан буткул олиб ташланиши лозим. “Севиш” тамойилига таянган ҳолда Ҳиндистонда ҳинду ва мусулмонлар орасидаги алоқа барқарор бўлиши керак, деб таъкидлайди Ганди. “Мен “Маҳатма” номини шу маънода англай бошладимки, унда мен инсонларга муҳаббат ва меҳр-оқибатни кўраман. Бу эса, ўз навбатида, менинг аҳимсага бўлган ишончимни ифодалайди”⁷.

Фалсафий-ахлоқий концепциясининг иккинчи ажралмас элементи “азоб чекиш” қонуниятидир. Бу ҳақда Ганди айтган сўзларга биноан, “аҳимса” ва “сатыграҳа”га фаол амал қилиш жараёнида истар-истамас изтироб пайдо бўлиши муқаррар, “аҳимса” мухлиси буларга онгли равишда тайёр бўлиши керак. Борди-ю одам ўз душманига зарар етказмайдиган ва унга куч ишлатмасдан, “севиш” ва “муроса”дан келиб чиқадиган бўлса, шунда у душман томонидан қутиладиган азобларга барҳам бериб, “севиш” куч-қудрати билан бутунлай енгилмагунча ўз ўрнида маҳкам туриши керак.

1920 йил 16 июнда эълон қилган “Изтироб чекиш қонуниятини” мақоласи бошида “Биронта мамлакат изтиробнинг покловчи ўтидан” ўтмасдан ўз йўлини топа олмаган, деб баён қилади. Қанчалик изтироб чеккан бўлса, ундан қутилиш ҳам шунчалик кучли бўлади. “Бундай изтиробсиз эркинликка эришиш мумкин бўлмайди”⁸.

Ганди ўзининг ижтимоий-фалсафий таълимотларини асослаш ва татбиқ этиш мақсадида Ҳиндистоннинг ахлоқий-маънавий ҳаётида асрлар оша чуқур илдиз отиб ривожланган диний-фалсафий урф-одат ва анъаналарга таянди, шу боис унинг илгари сурган ғоялари халқ оммасига ҳам кенг ёйилиб борди. Бу ҳақда Ж. Неру шундай дейди: “Тапася ўз нафсини тийиш хусусидаги фикр барча ҳиндлар тафаккурига хос, улар саводли мутафаккир бўладими ёки саводсиз оддий фуқаро бўладими. Бу фикр худди минг йил илгаригидек ханузгача ҳам тирик, шунинг учун Ҳиндистонни ларзага солувчи Ганди

⁷Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 182.

⁸Gandhi M.K. *Satyagraha in South Africa*. – Ahmedabad.: Navajivan Publishing House, 1968. – P. 115.

бошчилигидаги оммавий ҳаракатлар замирида ётувчи руҳиятни тушуниш учун унга тўғри баҳо бериб, қадрига етиш керак”⁹.

Тараққиётнинг умумий мақсадларидан бири, Ганди таъбирича, маънавий-маърифий камолотдир. Ушбу хусусиятга илоҳий тус бериб у айна пайтда, унга инсоннинг интилиши ҳам мумкин эканлигини, ҳатто, амалда бу эришувнинг ҳам аҳтимоллигини инкор этмайди.

Бу йўлда у биринчи ўринда меъёр ва тамойил сифатида брахмачария деб аталувчи жайнизмнинг диний ва фалсафий тамойилини ўзлаштириб олган ҳолда илгари суради. Унинг моҳияти ожиз-заиф хатти-ҳаракатларга йўл қўйишдан ўзини тийиш ҳамда инсонда ўз фикру хаёллари, сўз ва ҳаракатларини қатъиян идора этишидан иборат бўлади. Ганди бу жараёнда яна бошқа нарсаларни ҳам кўрдик, ўз ҳаётини, бутун фаолияти, жисмоний ва маънавий ҳолатини Ҳиндистон мустақиллиги ва ҳинд халқи учун сарфлади. Шу омиллар унинг бу тушунчани кенг қамровли ва Ганди учун аҳамиятли эканини кўрсатади. Яна бир воситалардан унинг фалсафий-ахлоқий концепциясига кўра, жасорат, довюраклик муҳим ҳисобланади. Мутафаккир ўғит-насихатига кўра, ахлоқий камолотга етишиш ва ҳақиқатга эришиш учун инсондан кўркмасликни талаб этиш керак.

Шунингдек, брахмачарияда ўз-ўзини назорат қилиш ахлоқий тамойилига катта эътибор қаратилади. Кўп ёмонликлар унинг етишмаслигидан келиб чиқади, дейилади. Машҳур Маҳобҳаратанинг бир қисми бўлган Санти Парва шундай дейди: “Ҳеч қачон бошқаларга ёмонлик қилиш ҳақида ўйламаслик керак. Инсон ўз кучига эга бўлмаган нарсага ҳавас қилмаслиги керак”¹⁰.

Ўзини тута олмаслик табиатан ўзига тегишли бўлмаган нарсаларни орзу қилади, бу зўравонликка олиб келади. Ўз-ўзини бошқаришга бўлган шунга ўхшаш иштиёқ қадимги таълимот Дхаммападада ифодаланган: буддавийлик ахлоқи инсонни жисмоний, оғзаки ва руҳий ғазабдан эҳтиёт бўлиш, ўзини тутиш ва яхшилик қилиш кераклигини таъкидлайди. Маҳатма Гандининг бутун фалсафий-ахлоқий таълимоти тизимидаги энг асосий тамойил “куч ишлатмаслик” тамойили бўлиб, ижтимоий-сиёсий, тарихий-маданий фаолияти учун олий тамойил вазифасини ўтаб келди.

Куч ишлатмаслик таълимоти ижтимоий-фалсафий, сиёсий-иқтисодий тамойиллар мажмуаси бўлиб, кенг қамровли ва универсал характер касб этади. Жумладан, Ганди буни гоҳо “аҳимса”, гоҳо “севиш категорияси” билан тенглаштиради, ҳақиқат йўлини куч ишлатмаслик йўли, деб таърифлайди. Умуман олганда, ушбу тамойил гандичилик кўламида шахс ва жамият фаолиятида мустақил, барчага тегишли ва универсал тамойил бўлиб

⁹Неру Дж. Открытие Индии. – М.: Издательство иностранной литературы, 1955. – С. 95.

¹⁰ Tahtinen Unto. Non-Violence as an ethical principle with a special Reference to the views of Mahatma Gandhi. Diss. ...PhD Philosophy science. Banaras, 1957. – P. 38.

гавдаланади. Гандининг таъкидлашича, бу тамойил одамзодга алла қаердан туширилмаган, аксинча, унинг табиатига хос имманент (ички) ходисадир. Яъни, бу тушунча одамзоднинг яшаш қонунияти бўлса, зўравонлик, ҳайвон зотининг мавжудлик қонуниятидир. Куч ишлатмаслик шундай қонуният бўлгани туфайли айрим жараён ва ходисалардан қўлланмасдан бутун борлиқни қамраб олиши керак¹¹. Ганди бу ходисанинг фаол характерига алоҳида урғу бериб, уни сусткашлик ва бекорчиликка қарши қўяди. У эълон қилади: “Куч ишлатмаслик одамзод хизматидаги буюк кучдирки, одамзод даҳолари томонидан ихтиро этилган энг қудратли емирувчи қурол-яроқдан ҳам кучлироқдир”¹².

Умуман олганда, фалсафий-ахлоқий тамойил сифатида бу тушунча Ганди қарашида, даставвал, сиёсий фаолият соҳасига татбиқ этилади ҳамда сатяграҳанинг белгиловчи хусусияти, деб кўрсатилади. Айни пайтда, бу концепция мазкур восита (сатяграҳ)нинг ғоявий-назарий асоси қилиб олиниб, Ганди томонидан Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш жараёнидаги барча бошқа усулларга нисбатан муқобил усул сифатида илгари сурилган эди.

Маҳатма Ганди ўз ахлоқий концепциясини ишлаб чиқишда “етти ижтимоий гуноҳ” назариясини тақлиф қилган. Бу етти тамойилни тартибга солинган жамиятдагина ахлоқий юксалиш бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Маҳатма Ганди томонидан илгари сурилган “етти ижтимоий гуноҳ” назариясини инсоният учун энг муҳим тамойиллар сифатида таърифлаш мумкин. Гандининг “етти ижтимоий гуноҳ” назарияси ахлоқий меъёрга зид бўлган, жамиятни заифлаштирадиган хатти-ҳаракатлар бирлиги бўлиб, (1) тамойилларсиз сиёсат; (2) меҳнатсиз бойлик; (3) ахлоқсиз савдо; (4) характерсиз билим; (5) виждонсиз завқ; (6) инсониятсиз илм; (7) қурбонликсиз ибодат қилиш каби тамойиллар барча халқлар учун катта аҳамият касб этиши таъкидланади.

Умуман, Гандининг маънавий қарашлари, бир томондан, ўткир ижтимоий сезгирлик, реаллик, иккинчи томондан, ғоявий консерватизм элементлари билан суғорилган эди. Бундай қарашлар унинг баъзи сафдошларига тўғри келмагач, улар мустақилликка Ҳиндистон эришганидан сўнг гандичиликдан воз кеча бошладилар. Боз устига, улар мамлакатда “ғоявий бўшлиқ” пайдо бўлмоқда, деган гаплар тарқатиб, Ҳинд Миллий Конгресси партиясининг ғоявий хазинасини янгилашга даъват қила бошладилар.

Шунга қарамасдан, Ганди тарғиб этган таълимот, унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари ҳозирги даврда ҳам Ҳиндистонда ўз аҳамиятини йўқотмади. Ж.Неру ва ундан кейинги сиёсатчиларнинг сиёсий ёндашуви шундан далолат берадики, Ганди таълимоти катта таъсир ўтказган. Бу таъсир ҳозиргача нафақат ҳинд, балки дунё файласуф олимлари ва сиёсатчи, жамоат фаолларининг

¹¹Gandhi M.K. All men are Brothers. – Ahmedabad. Navajivan Publishing House, 1960. – P. 58.

¹² Ibid.– P. 85.

қарашларида ҳам ўз аксини топмоқда. Масалан, С. Радҳаркришнан ўзининг “Универсал (Мангу) дини” тизимида Ганди ишлаб чиққан “севиш” ва “куч ишлатмаслик” категорияларига салмоқли ўрин ажратган.

Шу аснода ушбу тарздаги фалсафий-ахлоқий ва диний ғоялар туфайли Ганди фаолиятининг излари “сарводая” номли ижтимоий ҳаракат шаклланишида ўз аксини топади. Унинг замирида “умумий фаровонлик жамияти” деб номланган Ганди тузган концепция ётади, назарий жиҳатдан унинг асосини ишлаб чиқиш ҳамда қўл билан бажариладиган меҳнат, касиб-хунармандчилик, жамоавий ишлаб чиқариш ва тақсимотларни жорий этишдан ташкил топган эди. Миллий озодлик ҳаракати Гандининг фалсафий-ахлоқий талқинидан келиб чиққан “ҳақиқат, севги ва куч ишлатмаслик”дан иборат уч тушунча ва бошқа ғоялар шиори остида шаклланган маънавий-маърифий кадрлар асосида янгича “турмуш тарзи” бунёд этилади.

REFERENCES

1. Po‘Latov, S. N. M. (2020). Hindistonda pedagogic ta’limining rivojlanish bosqichlari. *Scienceand Education*, 1(Special Issue 1), 21-26.
2. Polatov, S. N. (2020). XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA HINDISTONDAGI IJTIMOIIY-SIYOSIIY VAZIIYAT. *Academic Research In Educational Sciences*, (4), 468-474.
3. Po‘Latov, S. N. M. (2021). MAHATMA GANDI FALSAFIY QARASHLARIDA “MUTLOQ G ‘OYA” TUSHUNCHASI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(5), 1134-1143.
4. Po‘Latov, S. N. M. (2020). Rabindranat tagorning Hindiston ilm-ma’rifatga qo’shgan hissasi. *Scienceand Education*, 1(Special Issue 1), 136-143.
5. Пулатов, Ш. Н. (2022). МАХАТМА ГАНДИ ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИДА “САТЯГРАҲА” ТУШУНЧАСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 890-896.
6. Pulatov, S. N. M. (2022). AHIMSA TUSHUNCHASINING FALSAFIY MOHIYATI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 162-166.
7. Po‘Latov, S. N. M. (2022). MAHATMA GANDINING INSON TABIATI HAQIDAGI QARASHLARI. *Academic research in educational sciences*, 3(3), 10-19.
8. Pulatov Sh.N. The Concept of “Truth” in the Philosophical Views of Mahatma Gandhi// *Akshara Multidisciplinary Research Journal Peer-Reviewed & Refereed International Research Journal, India // E-ISSN: 2582-5429 Vol.02 Issue V, 2021. –P. 12-18.*

9. Пулатов, Ш. (2019). Философская концепция Махатмы Ганди. Востокведения, 3(3), 214–224. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15683>
10. Po'latovSh.N. Jaynizm diniy-falsafiy ta'limoti. 16-son Sharqshunsolar anjumani. Toshkent davlat sharqshunsolik universiteti, 2020 307-312.
11. Po'latovSh.N. Mahatma Gandi diniy qarashlarining tahlili. НамДУ илмий ахборотномаси. 2021 у. 8-son. 205-212 б.
12. Пулатов, Ш. Н. (2023). ҲИНД ФАЛСАФАСИДАГИ ИНСОН МАСАЛАСИНИНГ МАҲАТМА ГАНДИ ҚАРАШЛАРИГА ТАСИРИ. International scientific journal of Biruni, 2(3), 96-103.